

УДК 37.02

**Рустамова Нигора Баротовна,
Rustamova Nigora Barotovna,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Бухоро академик лицейи ўқитувчиси
Teacher of Bukhara academic lyceum at the Ministry of
Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan**

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Аннотация: Мақолада Ўрта Осиёда фуқаролик жамиятининг тарихий илдизлари ҳақида сўз боради. Авесто ва фуқаролик жамияти, исломда давлат ва ҳуқуқ тушунчалари, “Темур тузуклари”да давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари каби масалаларга алоҳида ургу берилган.

Калит сўзлар: Давлат, Фуқаролик жамияти, «Тангри суди», саркотиб, уламо, Зардушт.

HISTORICAL ROOTS OF CIVIL SOCIETY IN CENTRAL ASIA

Annotation: The article discusses the historical roots of civil society in Central Asia. Special emphasis is placed on issues such as the Avesta and civil society, the concepts of state and law in Islam, the peculiarities of public administration in "Temur's Statutes".

Key words: State, Civil Society, "Court of God", sarcophagus, scholar, Zoroaster.

Фуқаролик жамиятига доир илк қарашлар узоқ вақт яшаб келди. Шахс эркинлиги ғоясини тинмай тарғиб қилган Ж.Локк, И.Кант сингари файласуфлар ҳамфуқаролик жамияти деганда, аввало, «давлат»ни тушунишга мойил бўлдилар. Аммо бора-бора фуқаролик жамияти билан мутлақ давлат маҳкамалари (институтлари) ўртасидаги тафовут кўзга яққолроқ ташланаверди. Т.Гоббс. Ш.Л.Монтеске каби олимлар ҳимоя қилган индивидуализм концепсияси эса кун тартибига жамият фуқароси бўлган шахс эркинлиги масаласини қўйди. Европада фуқаролик жамияти тўғрисидаги дастлабки ғоялар XVII аср ўрталарида Томас Гоббснинг

«Табиий ва сиёсий қонунлар унсурлари», «Фуқаро ҳақида», шунингдек, бошқа давлат ва ҳокимият ҳақидаги асариарларида ўз ифодасини топганидан кейин пайдо бўлди. Шу даврдан бошлаб фуқаролик жамияти долзарб ижлимоий-сиёсий тасаввур ва тушунча сифатида такомиллашиб бормоқда. Шубҳасиз, фуқаролик жамияти ва давлат муносабатиарини жуда мукаммал ишлаб чиқкан мутафаккирлардан кўзга кўринарлиси Гегелдир. Унинг қарашича, фуқаролик жамияти фаолияти қонун билан бошқариладиган шахслар, синфлар, гурӯҳлар ва бошқа институтларнинг мажмуаси ҳисобланиб, бу мажмуа тўғридан-тўғри сиёсий давлат бошқарувига боғлиқ эмас. Шунингдек, Гегел бу хақда қўйидагича фикрни билдиради: «Фуқаролик жамиятининг табиати шундайки, унда ҳар бир алоҳида инсоннинг ҳуқуки давлатнинг шахсий ҳуқуқига айланишга ултурган бўлиб, унда давлат ўзининг зиммасига менинг ҳуқуқларимни худди ўзининг ҳуқуқларидек ҳимоя қилиш ва қарор топтириш мужбуриятини олади». Бу ғоя XX асрнинг 80-йилларида авж олган демократиялаштириш жараёнлари натижасида алоҳида мазмун касб этди ва у тоталитар давлатларга қарама-қарши бўлган ижтимоий андоза сифатида талқин қилина бошланди.

Тарихий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак фуқаролик жамиятининг моҳияти ва шаклланишига мос келувчи айрим ғоялар эзгу сўз, эзгу фикр ва эзгу амал қоидаларига асосланган қадимий муқаддас бойлигимиз «Авесто»да кўзга ташланади. Бу буюк китобда инсоният тараққиётида эзгулик билан ёвузлик, адолат билан зулм, гўзаллик билан жирканчлик ўртасидаги муросасиз кураш ифодаланади, «Авесто»да ифодаланган яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш жараёнида ҳар бир инсонга ўз ўрнини топишга ёрдам беради. Инсон ҳаётий фаолияти З та омилга асосланиши керак. «эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал». Маълумки, фуқаролик жамияти ғояси инсоният цивилизасиясининг илк босқичлариданоқ «идеал давлат». „Идеал шоҳ“ тушунчалари негизида моҳиятан шакллана бошлаган. Ғоя ўз кейинчалик, яъни милоддан аввалги VII-VI асрларда «Авесто» китобининг мазмун даражасида муайян тизимий яхлитлик касб этган.

Фуқаролик жамиятининг ***биринчи хусусияти*** - одамларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллиги ҳисобланади. «Авесто»да тасвирланган жамият аҳли тўрт табақага коҳинлар, ҳарбий йўлбошчилар, чорвадорлар ва хунармандларга бўлинади. «Авесто»да меҳнат қилиб моддий бойликлар яратиб ташландиқ ерларга ишлов бериб, суғориб, обод қилган, сут, гўшт-ёғ, дон етиштириб жамият фаровонлигини таъминлаган дехқонлар, чорвадорлар, овчилар, косиб-хунармандлар улугланиб шундай дейилган, „илоҳий қонунга бўйсунадиган яхши киши яқин одамга меҳрибон бўлиш, муҳтоҗлик ва хавфхатар остида қолганда кўмаклашишга шайлик, кишилар баҳти саодати учун ёвузликка қарши фаол қурашга тайёр бўлиши, ҳамма билан аҳил тотувликда, биродарликда яшашга интилишда намоён бўлади.

Инсоният фикран ҳам ҳаётан ҳам ҳасадгўй бўлмаслиги лозим. Яхши ниятли киши ҳеч қачон дарғазаб бўлмайди, чунки жоҳиллик ҳолатида у яхши ниятни йўқотади бурч ваadolатни унутиб ножӯя ҳаракатлар қиласди. Шу боис Яхшилик таълимни ва садоқатини амалга ошириб, Яхши ҳокимлар ҳукм юритаверсинлар одамларга ва уларнинг авлодларига баҳт-саодат келтирадиганadolатли қонунларни амалга оширсинлар” (Ясна 48.)

Фуқаролик жамиятининг ***иккинчи асосий хусусияти*** - инсон ҳуқуқларини устиворилиги ҳисобланади.

«Авесто» да суд ва суд ишларини кўриш масалаларига катта эътибор берилган. Олий судя вазифасини оқсоқоллар кенгашининг мўтабар уламоси - коҳинлар бажарган. Суд жараёни маълум маросимда асосан дуолар ўқиш шаклида айтилиши билан ўтказииган. Манбаларда «Авесто» жамиятида «Тангри суди» борлиги ҳақида маълумот берилган.

Фуқаролик жамиятининг ***учинчи хусусияти*** - кишиларнинг хусусий мулкка эга бўлиши ҳисобланади. «Авесто»даги мулкий муносабатлар эркин жамоа аъзоларининг кўчмас ва ўрнидан қўзғатиб бўладиган мол-мулклари бўлганлигидан далолат беради.

Фуқаролик жамиятининг ***тўртинчи хусусияти*** - фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши ҳисобланади.

«Авесто»да Хоразм, Суғд, Марв, Балх, Нисоя, Ҳирот, Парфия, Паркана, Шош (Чоч) каби Олий тангри яратган 16 та (давлат) ўлканинг ҳудудий-маъмурий ва сиёсий бошқарув тизими ҳақида малумот берилади. Давлатни шоҳ – „кави” бир неча оиласарнинг бириашмаси – „нмана”, уй, оила жамоаси – „динана”, катта оила жамоаси – „нма” ёки „напата”, уруғ жамоаси бошлиги (вис), катта қишлоқ аҳолиси – „виспата”, қабила бошлиги – „занпупати”, вилоят ҳокими ва қабиланинг ҳарбий қўмондони – „дахию састар”, уруғ ва қабилалар жамоаси томонидан сайлаб қўйилган Оқсоқоллар Кенгаши – „арзанапатиз” ёки „ханжамона”, Ҳалқ Мажлиси – „въяха” иштирокида сиёсий-хуқукий тамойиллар асосида бошқарган. Кўринадики, жамоа аҳлининг асосий қисми давлат бошқарувида фаол қатнашган.

Ислом таълимоти асосида ишлаб чиқилган адолатли фуқаролик жамияти ва барча инсонлар teng хуқуқли бўлиб яشاши тўғрисидаги ғоялар салкам 14 асрдан бери ўзининг ҳаётйлигини исботлаб келмоқда жумладан, Куръони Каримнинг „Бақара” сурасида Оллоҳ томонидан фаришталарга хитоб этилган: Мен (одамни) ер юзида халифа қилиб яратмоқчиман” дейилади. Оллоҳ инсонни ер юзида ўзининг ваколатли намоёндаси сифатида яратиб, унга дунёни ободонлаштириш, адолатли жамият қуриб тинч тотув ҳаёт кечириш вазифасини топширган. Шунингдек бу сурада инсоннинг шонумачомини янада кўтариб „биз одам болаларини азиз ва мукаррам қилдик” деб таъкидланади. Куръони каримда барча инсонлар уларнинг ижтимоий мавқеи, дини, миллати, тили ва ирқидан қатъий назар teng хуқуқли ва бараварликлари зикр этилган «Эй одамлар, дарҳақиқат, биз сизларни бир эркаку бир аёлдан яратдик ҳамда бир-бирингиз билан топишиб дўстлик ва биродарликда яшашингиз учун сизларни турли туман қабила ва элатлар қилиб қўйдик». Шу йўсинда инсонларнинг teng хуқуқли бўлиб бир-биридан устун эмаслиги хазрати Муҳаммад пайғамбар хадисларида ҳам таъқидлаб ўтилган. Шарқ мутафаккири Абу Наср Форобий илк бўр фозил жамоани вужудга келтиришга доир ўз илмий изланишлари билан фуқаролик жамияти назариясининг шаклланишига катта хисса қўшди. Аллома «Фозил шаҳар

одамлари қарашлари» асарида жамиятнинг келиб чиқиши ҳақида шундай ёзади: «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун кишилик жамоасига эҳтиёж туғилади, шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Шунинг учун инсон кўпайди ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашди, натижада инсон жамоаси вужудга келди».

Амир Темур салтанатида 2 турдаги суд тизими муҳим ўрин тутган. Бири «раият қозилиги» деб аталиб у фуқароиарнинг хўжалик ва майший турмуш тарзига оид ишларни тартибга солган. Иккинчиси «шариат ишлари қозилиги» деб номланган бўлиб уни шайхул ислом бошқарган. Бу диний ишларнинг тўғри бажарилиши ва фуқароларнинг унга доир мурожаатларини тартибга солган. Амир Темур давлатидаги 2 суд тизими шаклан бизнинг икки тузилмада бўлинниб фаолият кўрсатаётган бугунги суд тизимидағи фуқаролик ишлари ва жамият ишлари судига ўхшаб кетади.

Амир Темурнинг «Темур тузуклари» асарида фуқаролик жамиятининг ўз даврига хос асослари баён қилинади. Амир Темур давлатининг курилмасини фуқароларнинг 12 табақаси ташкил қилган ва ҳар бир табақа кишилари ўз касб-хунар мавқеи ҳамда вазифаларга эга бўлган.

1. Саййидлар, уламо, машойихлар фозил кишилар; 2. Ишбилармон донишманд одамлар; 3. Таркидунё қилган кишилар; 4. Аёнлар, амирлар, мингбошилар, яъни ҳарбий кишилар; 5. Сипоҳ ва раият; 6. Махсус ишончли кишилар; 7. Вазирлар, саркотиблар; 8. Ҳокимлар, табиблар, мунажжимлар, мухандислар; 9. Тафсир ва ҳадис олимлари; 10. Ахли хунар ва санъатчилар; 11. Сўфийлар; 12. Савдогар ва сайёҳлар ташкил этган. Давлатнинг тақдирини эса уч нарса: подшо, хазина ва аскар ҳал қиласи. „Темур тузуклари” асарида ҳам инсон унинг қадр қимматини жойига қўйиш ғояси туради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авесто. Т. “Шарқ”, 2001 йил.
2. Қуръони Карим. Т. “Чўлпон”, 1993 йил.
3. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. Т. Адабиёт ва санъат. 1993.
4. Темур тузуклари. Т. Адабиёт ва санъат. 1994 йил.